Ушбу сонда:

2 *Қонун барчага баробар* **ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ** кимлар томонидан бузилмоқда?

3 **ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МЕРОСИ**

4 *Газетхон илтимосига кўра* **КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИДА**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 14 феврал, жума № 25 (1450)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси адлия вазири Шим Санг Менг раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан учрашди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси муносабатлари барча жабҳада, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам кенгаймоқда. Ҳар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилгани, соҳа ходимлари учрашувлари анъанавий тус олгани диққатга сазовордир.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг истиқболига оид, хусусан, ҳар икки давлат Бош прокуратураларининг самарали алоқалари кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

Ҳамкорликда гап кўп

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШДИ

Яқинда ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлаган Шаҳрисабз аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида ўтган йили бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди.Хусусан, фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича қатор тадбирлар бажарилди. Айни пайтда туманда 272 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Темировнинг таъкидлашича, ўтган йилда бўлимга 8535 нафар киши мурожаат қилган. Уларнинг 5899 нафарига маслаҳатлар берилди. Туман корхона ва ташкилотларига 1723 нафар киши ишга жойлаштирилди.

440 кишига ишсизлик мақоми берилиб, 222 нафарига нафақа тайинланди. 103 нафар фуқаро қайта касбга ўқитилиб, доимий иш билан таъминланди.

Аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш бўлимнинг асосий диққат марказида туриб-ди. Корхона, ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари билан келишилган ҳолда, аниқ дастур асосида жойларда меҳнат бозори ярмаркалари ўтказилиб, аҳолини асосий қисми иш билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 18 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларни ҳисобга олиш ва нафақа тайинлаш бўйича туман ҳокимлиги, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда бир неча марта кўргазмали семинарлар ўтказилди.

Туманда 63071 та оила бўлиб, шундан 54613 таси 18 ёшгача бўлган болали оилалар ҳисобланади. Улар томонидан тушган аризалар махсус комиссия томонидан ўрганилиб, 5200 дан зиёд 18 ёшгача бўлган оилага нафақа тайинланди.

Шуниси эътиборга моликки, туман меҳнат бўлими ҳузурида «Иш билан таъминлаш маркази» ташкил этилган. Мазкур ташкилот ишсиз фуқароларни турли касблар бўйича ташкилот, муассасаларда қонун талабларига мувофиқ ишлаши ва ҳақ олишларига ёрдам бераяпти. Бунинг учун шаҳарнинг энг гавжум жойларида меҳнат бўлими вакиллари томонидан ишсиз фуқаролар рўйхатга олинадилар. Бир марталик иш билан таъминлаш марказида ишсиз фуқарога қаерга, ким билан бориши, ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилади. Бунинг учун бўлимнинг энг малакали мутахассислари жалб қилинган.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Айни кунларда республикамизда янги экин мавсумига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Каттақўрғон тумани Марди Султонов номли агрофирма меҳнаткашлари ҳам тайёргарлик ишларини қизитиб юборишган. Агрофирма техника саройидаги мавжуд техникалар мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



ТАЛАБАЛАР ЮРИДИК КЛИНИКАСИ

фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бера бошлади

Бундан бир қанча вақт муқаддам Тошкент давлат юридик институти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича клиника - талабалар маркази очилган эди. АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бошқармаси тақдим этган грант асосида Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббус лойиҳаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур марказда дастлаб клиникада фаолият олиб борадиган талабалар ўқуви ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида улар инсон ҳуқуқларига оид халқаро меъёрлар, миллий қонунчилигимиз асослари, адвокатура соҳасига оид билимларини янада кенгайтирди.

Марказ замонавий компьютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, Интернет ва ҳуқуқий-ахборот тармоқларига чиқиш имконияти мавжуд. Эндиликда Тошкент давлат юридик институти биносида жойлашган мазкур клиниканинг билимдон бўлажак юристлари ҳар куни эрталабдан кечгача фуқароларимиз хизматига шай.

Марказ фуқароларга, асосан, аҳолининг кам таъминланган қатламига инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳуқуқий кўмак беришни мақсад қилган. Клиниканинг ана шу мақсад йўлидаги дастлабки қадамини бошлаши олдидан ташкилотчилар ҳамда Америка юристлар уюшмаси вакиллари иштирокида анжуман ўтказилди.

(ЎзА).

Бор бўл, оқибат!

НАФАҚА УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Деҳқон фарзандиман. Эсимни таниганимдан сўнг далага чиқдим. Рўзғорга ёрдам бўлсин деб, сидқидилдан ишладим. Муайян вақт самолётларга минерал ўғит юклаш билан машғул бўлдим. Вақт ўтиши билан заҳри қотил - кимёвий дори саломатлигимга жиддий зарар етказганлигини сездим. Қирққа кирмай қулоқларим яхши эшитмай қолди, кўзимдан нур кетди.

Шифокорлар оғир дардга йўлиққанлигимни таъкидлашди, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ишлаб чиқаришда саломатлигимни йўқотганлигим боис, хўжалик томонидан нафақа белгиланди. Бироқ вақт ўтиши билан хўжалик иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушгач нафақа тўлаш тўхтатилди. Оиламиз иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволда қолди. Шунда ёрдам сўраб қатор идораларга мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмагач, «Ишонч» газетасига хат йўлладим. Кўп ўтмай ушбу нашрда мақола эълон қилинди. Туман прокурори ҳам адолатни юзага чиқаришда яқиндан ёрдамлашди. Яхшилар мадади туфайли қисқа вақт ичида хўжаликдан 200 минг сўмдан ортиқ нафақа пули ундириб берилди. Яхшилар, адолатли кишилар ҳамиша бор бўлсин!

Анқабой АБДУСАЛОМОВ,
Мирзаобод туманидаги «Янгиобод» деҳқон-фермер хўжаликлар бирлашмаси ҳудудида яшовчи ногирон.

АҲИЛ ЭЛГА ИҚБОЛ ЁР

Бағрикенглик, ҳамдардлик шарқ халқларига хос хусусият. Ҳар куни қадрдон маҳалламизни айланар эканман, одамларга синчков назар ташлайман. Уларнинг баҳоси йўқ. Кўпчилик ишбилармон, ҳамиша яхшиликка интилувчи, меҳр-оқибатли. Ҳозирги кунда ободонлаштириш ишлари қизитиб юборилган.

Нарпай тумани раҳбарлари Обод маҳалла йилида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни 56 та маҳалла оқсоқоллари билан фикрлашиб олишди. Ҳокимликнинг ижтимоий масалалар бўйича комиссияси ҳам пухта тадбир асосида фаолият юритмоқда. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, маҳаллада шаклланади, камол топади. Бизда нуронийлар билан ёшлар ўртасида суҳбатлар уюштириш одат тусига кирган. Турли мавзулардаги суҳбатлар, очиқдан-очиқ кимларгадир билдирилган эътирозларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлаяпти. Сезишимча, меҳр-оқибат кучаймоқда. Буни якка-ёлғиз, дардманд маҳалладошларга эътибор кучайганлигида ҳам кўриш мумкин.

Одамларни уюштириш учун доимий макон бўлса айни муддао. Буни назарда тутиб, Навоий номли ширкат хўжалигида 1 та, Оқтош шаҳрида эса 2 та маҳаллада замонавий бино қуриб ишга туширилди. «Ҳақиқат» ширкат хўжалигидаги «Оталар чойхонаси» ҳам ўзига хос тарбия ўчоғига айланди.

Комила УМИРОВА,
хизматчи.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Ҳар бир одам ўзга бир олам. Боши фалакка тенгдир, мағрурдир инсон, дея алломалар бекорга таъкидлашмаган. Мустақил Ўзбекистонимизда кўмакка муҳтож кишилар давлат ҳимоясига олинган. Президент Фармони меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланган.

Туманимизда 34 нафар ёлғиз қария бор. Улар пенсия ва нафақа билан мунтазам таъминланиб келиняпти. Диспансер кўриги натижасига кўра 27 нафар қария амбулатория, 4 нафари эса стационар шароитда муолажа қилинди. Кимлардир Янгиер шаҳридаги ажойиб сиҳатгоҳда саломатлигини мустаҳкамлади. Эътиборлиси шуки, ёлғиз кексалар ташкилотлар ҳомийлигига бириктирилган. Уларнинг ҳар бири пенсияга қўшимча равишда 19 минг сўмдан мадад пули оладилар. Шунингдек, газ ва электр энергиясидан имтиёзли фойдаланадилар.

Кексаларимизнинг кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қилишади. Уларнинг мазмунли ҳаёт кечиришлари, яхши дам олишлари учун иложи борича шарт-шароитлар таъминланаяпти. Масалан, «Шодлик», «Фарғона», «Андижон» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ажойиб шифо масканлари, чойхоналар очилди. Савобли ишларда Собиржон Сиддиқов номли хўжалик ҳудудидаги «Анвар», «Азиз» фермер хўжаликлари фаол иштирок этмоқдалар.

Абдумўмин ҚЎЗИБЕКОВ,
Оқолтин туман ижтимоий таъминот бўлими мудири.

МАҲАЛЛА ВА КЎНГИЛЛИЛАР

Мамлакатимизда маҳаллалар ва бошқа нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Буни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

- Ташкилотимиз маҳаллалар ободлигига хизмат қилувчи талай тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда, - деди ЎзА мухбирига жамиятнинг Тошкент вилоят кенгаши раиси М.Каримова. - Жумладан, аҳолини табиий офатлардан муҳофазалашга қаратилган кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Ташкилотимиз ўз фаолиятини амалга оширишда кўнгиллиларга суянади. Уларнинг иштирокида тоғли Бўстонлиқ туманининг «Сойлиқ» маҳалласида селга қарши 10 минг кўчат ўтқазилди. Кўнгиллиларимиз маҳаллаларда якка-ёлғиз қарияларга ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. 40 нафар ҳамширамиз улар хизматида.

Мактабларда ташкил этилган 524 кўнгиллилар гуруҳи ҳозир маҳаллаларда кексалар оғирини енгил қилиб, уларга уйрўзғор ишларида ёрдам беряпти. Жамиятимиз айрим кам таъминланган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлашни ўз зиммасига олган. Бундай хайрли ишларда ҳам кўнгиллиларнинг ҳиссаси катта.

(ЎзА).

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда. Инсон омилига эътибор кучаймоқда, ўзбек халқига хос одамийлик, бағрикенглик, кечиримлилик шаклланиб бормоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони адашиб жиноятга қўл урган, аммо бугунга келиб қилмишидан пушаймон бўлган шахсларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод этишга қаратилган. Амнистия шарофатидан Учқўрғон туманидаги бир неча фуқаролар ҳам бахраманд бўлишди. Уларнинг қувончи чексиз, осуда турмушга қайтганларидан хурсанд. Улар кўзларида қалқиётган ёшдан чин кўнгилдан пушаймонлик, Юртбошимизга миннатдорчилик хисларини англаб олиш қийин эмас. Келинг, улар дил сўзларига қулоқ тутайлик.

Фармон ва ижро

АМНИСТИЯ

олий даражадаги инсонпарварлик тимсоли

Расулжон БЕГБОЕВ:

— Етти йилга озодликдан маҳрум этилган эдим. Кўзим очилди. Келажакда яхши бир касб эгаси бўлиб, ҳалол меҳнат билан ризқ-насиба териб ейиш катта бахт эканлигини тушуниб етдим. Чин кўнгилдан қилмишимга пушаймонман. Эндигина 18 баҳорни қаршилаганман. Ватанимга сидқидилдан хизмат қилиб, хатоларимни такрорламасликка ваъда бераман.

Абдулла БЕРДИҚУЛОВ:

— Жиноят Кодексининг 266-модда, 3-қисм «а» банди билан озодликдан маҳрум бўлдим. Бахтим бор экан, амнистияга илиндим. Ҳаётда ўз ўрнимни топиб кетаман, деган умиддаман. Президентимиз менга меҳр-мурувват кўрсатди. Маҳалланг, оиланг, фарзандларинг даврасида яшаш нақадар яхши!

Жиноят содир этган шахслар орасида аёлларнинг борлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир. Фармонда уларга ҳам амнистия қўллаш ўз аксини топган.

- Аёл киши учун қамоқ чинакамига фожеа, - дейди Шаҳодат Абдираззоқова. - Амнистия боис озодликка чиқдим, қўйган қадамим хато эканлигини англаб етдим. Бу мен учун берилган имконият, халқимнинг, Президентимнинг менга билдирган ишончи деб биламан. Ҳозирда ишга жойлашдим. Жамоам олдида ўзимнинг қандай инсон эканлигимни кўрсатиш пайти келди.

Бундан ташқари, жиноят содир этган бир қанча фуқаролар Фармоннинг тегишли бандларига кўра суд залининг ўзида озод этилди. Тумандаги тегишли корхона ва муассасалар томонидан жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда саломатлигини тиклаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 11 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. Ижтимоий кўникма маркази томонидан жазони ўтаб келган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларнинг кейинги ҳаётига эътибор қаратиш лозим. Чунки уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бирор бир фойдали меҳнат билан машғул бўлмаслиги келгусида яна хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

- Маҳалла ҳар бир кишига кўз-қулоқ бўлиб тургани яхши, - дейди «Туркистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси П.Ибрагимов. - Бир болага етти қўшни ота-она, деган нақл бежизга айтилмаган. Шу боис, фарзандларимизнинг келажакда яхши инсон бўлиб етишишлари ўзимизга боғлиқ.

Амнистия муносабати билан жазодан озод қилинган фуқароларни ўз вақтида рўйхатга олиш ва уларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда амбулатория ва шифохоналарда даволашни ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ушбу жараёнда бепул дори-дармон билан таъминлаш, лозим бўлган ҳолларда консилиум-консультациялар бериш масалалари ижобий ҳал этилаётир.

О.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Учқўрғон туман прокурори ўринбосари.

Масала кўндаланг қўйилади

АВТОБУС НЕГА ЙЎЛГА ЧИҚМАДИ?

Бекатдаги икки йўловчининг суҳбати қулоғимизга чалинди.

- Автобус, троллейбуслар деярли қатнамай қўйди, манзилга етиб олиш муаммога айланмоқда.

Иккинчи йўловчи уни маъқуллаган ҳолда қўшимча қилди:

- Киракаш «Дамас»лар серобку-я, лекин чўнтак ҳар доим ҳам кўтаравермайди.

Бу гапларда жон бор. Наманган шаҳрида икки-уч йилдирки, бозор иқтисодиётига хос беллашувларда жамоат транспортининг бели қайрилиб, ўрнини хусусий транспортга бўшатиб бермоқда. Онда-сонда Тўрақўрғон йўналиши бўйлаб троллейбус қатнаб турганини ҳисобга олмаганда, йўловчиларнинг куни асосан киракаш шахсий машиналарга қолган. Маълумот беришларича, ҳозирги кунда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиши лозим бўлган автобусларнинг нари борса ўн фоизигина ишлаяпти, холос.

Тўғри, хусусий секторнинг ривожи учун кенг йўл берилган. Бироқ, пулга ўч, шароит ва имкониятдан устамонлик билан фойдаланаётган учар ҳайдовчилар йўлкира пилигини кўтариб юборишаяпти. Масалан, марказдан икки қадам нарида жойлашган Давлатобод туманига элтиб қўйиш учун 400 ёки 500 сўм олишаяпти.

Жамоат транспортининг камайиб кетганлигига асосий сабаб нима? Кўпчиликни қизиқтираётган ана шу саволга жавоб излаб мутасадди раҳбарлар, мутахассислар билан суҳбатда бўлдик.

- Яширишнинг ҳожати йўқ, автокорхоналаримизда аҳвол анча мушкул, - дейди автотранспорт ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Р.Арслонов. - Аввало, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Ёнилғидан қарздорлик жуда катта. Шу боис кўпдан- кўп автобуслар йўлга чиқмаяпти.

Хўш, долзарб муаммони ҳал этишнинг омиллари изланаяптими ёки ҳамон «узрли» баҳоналар рўкач қилинаяптими? Муҳим ишда касаба уюшмаларининг ўрни қандай? Таҳлил шуни кўрсатдики, тармоқ касаба уюшма қўмитаси лозим даражада қатъиятлик билан фаолият юритмаётир. Иш режалари саёз. Меъёрий ҳужжатлар йилдан йилга қоғоздан қоғозга кўчиб келмоқда. Қарорлар ижроси назоратга олинмаган. Таажжубки, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бирон бир тадбир ўтказилмаган. Ахир, тизимда йиллар мобайнида ҳалол ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган қанчадан-қанча табаррук инсонлар бор. Автокорхоналар атрофида кўплаб маҳаллалар мавжуд. Бироқ уларни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш каби савобли ишлардан негадир автотранспортчилар кўп ўринларда четда қолишмоқда.

Кишини ҳайратга соладиган яна бир томони шундаки, ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор сусайтириб юборилган. Иш режаларининг бирон жойида иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилишига эришиш масаласи қайд этилмаган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда вилоятдаги деярли барча автокорхонада ойлик маош кечикиб берилаяпти. Бу борадаги қарздорлик катта. Масалан, 11-автокорхонада маошдан 15, 435 минг, 36-автокорхонада 17. 063 минг сўм, 89-автокорхонада 13 миллион сўмдан ортиқ, 25/23- ҳиссадорлик жамиятида эса 7 миллион сўмдан кўп қарздорлик мавжуд.

Гап шундаки, тармоқ қўмитаси мутасаддилари, бошланғич ташкилотлар етакчиларида изчиллик, қатъиятлик, масалани мутасадди раҳбарлар, идора ва ташкилотлар олдига кўндаланг қўйиш каби жиҳатлар етишмаяпти. Демак, муросасозлик йўли тутилмоқда. Бу аҳволда қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мушкул.

Тизим аксарият қуйи ташкилотларида ижро интизоми издан чиққан. Касаба уюшма ходимлари, фаолларнинг ўқуви ташкил этилмайди. Уларнинг кўпчилигига Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III Қурултойи ҳужжатлари, Федерация кенгашининг меъёрий ҳужжатлари тўплами негадир етказилмаган. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш масалалари диққат марказидан узоқлашиб бораяпти. Учқўрғон туман автомобил йўллари бошқармаси касаба уюшма қўмитасида (раиси А.Норматов) бирон бир тайинли ҳужжатни кўрмадик. «Наманганавтойўл» бирлашмасига қарашли «Наманганавтойўлтранс» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси (раиси А.Каримов) номигагина фаолият юритаяпти.

Одамлар ваъда ёки узрли сабабларни эмас, балки амалий ҳаракатларни кутишади. Жамоат транспорти муаммосини ҳамжиҳатликда, аниқ тадбирларни вақтида амалга оширган ҳолда ҳал этиш мумкин. Бунда касаба уюшмалари ҳам ўз сўзларини айтишлари керак. Бунинг учун, аввало, ўзибўларчилик ва расмиятчиликдан батамом халос бўлиб, соҳа ходимлари манфаатларини қаттиқ туриб ёқлаш, ҳимоя қилиш талаб этилади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ибрат

Ўқув даргоҳлари кўп бўлган ва самарали фаолият кўрсатаётган минтақалардан, одатан, ўқимишли ва саводхон ёшлар кўплаб етишиб чиқади. Наманган шаҳри ҳам ана шундай масканлар сирасига киради. Бу ерда ҳозир 54 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 80 мингдан зиёд ўғил-қизлар таълим-тарбия олмоқда.

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...

Айтиш жоизки, шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, касаба уюшмалари вилоят кенгаши биргаликда билим масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида янги-янги имкониятлар излаб топмоқдалар. Лекин, беш қўл баробар эмас. Бадастир оилаларда вояга етаётганлар билан бир қаторда кам таъминланган, кўп болали хонадонларда тарбия топаётганлар, етим-есирлар ва ногиронлар ҳам бор. Масалан, шаҳарда 200 нафардан ошиқроқ болалар ота-онасиз, 193 нафари эса ногиронлардир. Кам таъминланган оилаларда 162 нафар ўсмирлар балоғатга етмоқда. Улар алоҳида эътибор талаб қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тегишли ташкилотлар, ҳомийлар ҳамкорликда ана шу болаларни ижтимоий ҳимоялашга катта аҳамият қаратмоқдалар. Хусусан, улар имкони борича ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдамдан бахраманд бўлмоқдалар. Ўқувчиларнинг ёзги ва қишки таътилларини кўнгилли ўтишига эришиш учун фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари касаба уюшмалари билан биргаликда ҳамма тадбирлардан фойдаланмоқдалар. Масалан, ўтган йил соғломлаштириш мавсумида 8 мингдан зиёд ўқувчи соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб қайтди. Шунингдек, арча байрамларида боқувчисини йўқотган 150 нафарга яқин болаларга Президент совғалари топширилди. Боз устига, 102 нафар ўқувчи номига омонат дафтарчалари очилиб, вилоят ва шаҳар халқ таълими, касаба уюшма кенгаши вилоят томонидан ҳар бир ёш номига 1500 сўмдан пул қўйилди. Камхарж оилаларда тарбияланаётган ва ота-онасиз ўқувчилар бошдан-оёқ кийим-бош совғалари олдилар.

Халқимизда болага бол берсанг, бол ейсан, деган нақл бор. Бу ҳикматга амал қилган жамоатчилик ногирон, етим-есир ва кимсасиз фарзандларимизнинг ҳам муносиб инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳамма ишни амалга оширмоқдалар.

А.УМАРБЕКОВ.



Изланганга толе ёр, дейишади. Андижон шаҳридаги «Ривож» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Мамасоли Маллаев бундан 12 йил муқаддам бор-йўғи 4 киши билан иш бошлаган эди. Тадбиркорнинг изланиши янги имкониятлар эшигини очди. Айни кунда фирмада 70 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган устки кийим-бош маҳсулотлари харидорларга мақбул бўлмоқда. Бинобарин, корхонада маҳсулотлар сифатига муҳим эътибор қаратилаяпти.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

Дарвозасига «Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш маркази» деб ёзилган қўш қаватли даволаш муассасасига қадам қўйганимиз ҳамон шифохона ҳовлисида турган тумонат одамга кўзимиз тушди. Улар орасида 8-10 нафар оқ халат соҳиблари ҳам бор эди.

Сўраб-суриштирсак, ромитонлик Норовлар хонадони, уларнинг қариндош-уруғлари ўз миннатдорчиликларини билдиргани келишган экан. Ўртада қувончдан энтиккан аёл – Саодат опа ўғли Шарифжонни бағрига босганича шифокорларга раҳмат айтарди.

– Мана бу гулларни сизларнинг ҳам фарзандларингизга айланиб қолган Шарифжоннинг ўзи тарқатиб чиқсин. Ахир, у бугун илк бор тетапоя қадам ташлади. Бу кунни биз қанчалар орзиқиб кутганимизни билсангиз эди!..

Ҳа, онани тушуниш қийин эмасди. Кўзининг оқу қораси беш ёшга кирса-да, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган, тенгқурлари чопқиллашиб юрган пайтда у ўтирган кўйи ён-атрофни кузатарди, холос. Саодат опа эри билан бирга роса югуриб-елди. Охири яхши одамлар маслаҳати билан болани айни шу марказга олиб келишди. Икки босқичда 30-35 кунлик давом этган муолажалардан сўнг Шарифжон илк марта оёққа турди.

Даволаш муассасасида олиб борилаётган ишлар анчайин ибратли. 70 ўринга мўлжалланган шифо масканининг хоналари кенг ва ёруғ. Бош ҳаким Мавлуда Ортиқованинг таъкидлашича, ўтган йили ҳаммаси бўлиб бу ерда 811 нафар ногирон даволанган. 805 та ҳолатда ижобий ўзгаришлар кузатилганлиги, тўрт нафар ногирон ўғил-қиз эса дарддан буткул халос бўлганлигини эшитдик.

Замонавий дори-дармонлар дейсизми, комплекс даволаш усулларию тўрт маҳал сифатли овқат дейсизми, барчаси давлат ҳисобидан. Ногиронлар ва уларнинг ота-оналари бир сўм ҳам сарфлашмайди.

Беморларни игна билан даволашга ҳам муҳим эътибор қаратилган. Уқалаш, парафинлардан самарали фойдаланиш, физиотерапевтик муолажалар яхши самара бераётир. Туғма бош мия фалажи билан туғилиб, етти ёшгача ота-онаси қаровида юрган олотлик Миркамол Ёмғировнинг онаизори ёзиб қолдирган миннатдорчилик сўзлари бизни бефарқ қолдирмади.

«Қани энди биргина сўз топсаму бу даргоҳдаги шифокорларнинг барини сийлаш имкониятига эга бўлсам. Низомий Ганжавий айтган эканлар:

Ҳамиша ярагил халқ хизматига,
Безак бўл оламу одам зотига.

Бундан ўтиб бир нима дейиш қийин».

Ҳа, қалби ўксик болакайлар дардига дармон бўлиш саодатига эришаётган малакали шифокор Зулайҳо Алиева ҳамда у кишининг ҳамкасблари Матлуба Бобожонова, Назира Фаттуллахўжаева, Марат Аширов, ҳамширалардан Ҳадия Бақоева, Комила Жумаева, Гулжон Эрнафасова сингарилар шаънига ҳар қанча илиқ гаплар айтсак ҳам озлик қилади.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ГУЛСУМНИНГ ЧЕВАРИ

Навоий шаҳридаги «Усто-шогирд» ўқув маркази қизларга миллий ҳунармандлик сирларини ўргатишга ихтисослашган. Марказ 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, унга тадбиркор аёл Гулсум Шавқиева раҳбарлик қилмоқда. Ҳозиргача унда 200 дан зиёд хотин-қиз ҳунар ўрганди.

- Мақсадимиз маҳаллалардаги хотин-қизларга ҳунар ўргатиш ва ўқув жараёнида уларни маблағ билан таъминлаб туришдан иборат, - дейди Гулсум Шавқиева. - Обод маҳалла йилида шаҳардаги «Ҳаёт» маҳалласи билан шартнома туздик. Энди маҳалланинг йигирма нафар қизига ҳунар ўргатамиз.

Марказда қизлар тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, безак бериш, соч турмаклаш ва чопон тикишни ўрганади. Бу ерда тикилаётган буюмлар сотувга чиқарилиб, тушган маблағ марказни ривожлантиришга сарфланмоқда.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Сўнгги вақтда Наманган вилоятида вилоят ва туман марказларидаги автомобил йўлларни ободонлаштиришга қаратилган қатор ишлар қилинди. Бироқ, туманлараро йўналишдаги катта ва кичик йўллар эътибордан четда қолганди. Наманган-Янгиқўрғон-Калишо йўлида олиб борилаётган қурилиш ишлари бу йўллар реконструкциясининг бошланиши бўлди.

Ҳозирда «Наманганободончилиги» акционерлик жамияти йўлсозлари узунлиги 8 километр бўлган йўлнинг тор жойларини кенгайтириш билан шуғулланмоқда. Йўлнинг тор жойлари қирқ метргача кенгайтирилади, ажратувчи бетон тўсиқлар ўрнатилади, кечаси электр чироқлар ёрдамида ёритилиши ташкил этилади.

Йўл ёқасидаги сервис хизматига алоҳида эътибор қаратилмоқда - ёқилғи қуйиш шохобчаси, автосервис устахонаси, кемпинглар, савдо шохобчалари ва умумий овқатланиш объектлари пайдо бўлади. Келгусида қишлоқ жойларидаги бошқа йўллар ҳам ободонлаштирилади.

(ЎзА).

«ҚИШЛОҚКИМЁ» ДЎКОНИ

Бахмал туманидаги Ойқор қишлоғида кимёвий ўғитлар дўкони иш бошлади. Уни тадбиркор Л.Пардаев очди. Магазинда маъданли ўғитлар, ҳашарот ва ўсимликларнинг турли касалликларига қарши қўлланиладиган дорилар сотилмоқда.

Туман марказидан қирқ, вилоятникидан юз чақирим узоқда жойлашган Ойқор қишлоғида мамлакатимизга донғи кетган «Беш юлдуз», «Олтин - голден» олмалари етиштирилади. Шредер номидаги республика боғдорчилик-узумчилик ва виночилик институтининг давлат тажриба хўжалиги ҳам шу ерда жойлашган.

Ойқорлик боғбонлар олма зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда қўлланиладиган кимёвий ўғит ҳамда дориларни топиш ва олиб келиш борасида анча қийналаётган эди. Туман ҳокимлиги ёрдами билан очилган «Қишлоқкимё» дўкони нафақат ойқорликларнинг, балки атрофдаги «Қўшчинор», «Нўшкент», «Сангзор» ширкат хўжаликлари боғбонларининг ҳам мушкулини осон қилди.

Ихтисослашган «Қишлоккимё» дўконлари Бахмалда ҳам очилгач, аҳоли талаб-таклифлари асосида фаолият кўрсатаётган бундай савдо шохобчалари сони Жиззах вилоятида ўн бештага етди.

(ЎзА).

МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ КОРХОНА

Мирзачўл фақат пахтачиликда эмас, балки ғалла етиштириш бўйича ҳам Жиззах вилоятида илғор. Туманда ҳар йили 70 минг тоннагача дон тайёрланади.

Буни ҳисобга олган тадбиркор Х.Эргашев ун заводи қуришни бошлади. Ишга тушиш арафасида турган янги корхонада бир кеча-кундузда 70 тоннагача буғдой қайта ишланиб, 50 тонна ун тайёрланади. Корхона саксон кишини иш билан таъминлайди.

Шунингдек, яқин кунлар ичида туманда Покистоннинг «Мадатгар-ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда «Ержартекистил» тўқимачилик корхонаси қурилиши ҳам бошланади. Ушбу ишнинг ҳуқуқий, техник, молиявий ҳужжатлари тайёр бўлди.

У ишга тушгач, вилоятда чет эллик ҳамкорлар билан ишлайдиган корхоналар сони қирқтага етади.

(ЎзА).

Бешкент шаҳридаги Хитойкенти маҳалласи Қарши туманидаги энг обод маҳаллалардан бири. Айни пайтда бу ерда «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Суратда: туман ҳокими муовини Ботир Раҳимов (чапда) маҳалла қўмитаси раиси билан бўлғуси ишлар хусусида фикрлашмоқдалар.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Қаердаки меҳнатдан манфаатдорлик, рағбат бўлса, ўша ерда иш олдинга силжийди, самарадорлик бўлади. Буни «Шаҳрисабзконсерва» очиқ ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

РАҒБАТ

самарадорликка эришишда бош омил

Корхонада вилоятнинг Китоб, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманлари хўжаликларида етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари қайта ишланади. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги боис мамлакатимиз ва хорижда ўз харидорларини топмоқда.

Бугунги кунда корхонада 860 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Уларнинг 400 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма бошланғич ташкилоти меҳнатда ўрнак кўрсатган ходимларга, шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож хизматчиларни доимий равишда моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Масалан, корхона қошидаги иссиқхонада етиштирилган полиз маҳсулотлари ва мевалар қиш мавсумида кам таъминланган ишчи оилаларига арзон нархда тарқатилмоқда.

Тиббий даволаниши лозим бўлган ишчилар эса корхона тасарруфидаги «Саломатлик маркази»нинг малакали шифокорлари беминнат хизматидан миннатдор. Бу ерда ишчилар ишдан бўш вақтларида физиотерапия, парафин, массаж сингари усуллар билан даволанишмоқда. Шунингдек, ишчи-хизматчилар саломатлигини тиклаш мақсадида санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратилмоқда. Масалан, ўтган йили 50 нафар ишчи-ходим ана шундай йўлланма билан таъминланди.

Ўтган Қарияларни қадрлаш йилида касаба уюшма қўмитаси корхонада ишлаб нафақага чиққан қарияларга 785 минг сўмлик совға-салом улашди. 8 нафар хизматчини пенсияга кузатиш муносабати билан уларнинг ҳар бирига 35 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўтган йили касабақўм ташаббуси билан 135 нафар пенсионер Бухоро вилоятининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб қайтишди.

Корхона туман «Кўзи ожизлар» жамияти, «Мироқи» хотин-қизлар мурувват уйи ҳамда Китоб шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»ни ўз оталиғига олган. Ҳиссадорлик жамияти уларни ҳар хил консерва маҳсулотлари ва моддий маблағ билан таъминлаб келяпти.

- Ишлаб чиқаришдаги қўлга киритаётган ютуқларимизнинг энг биринчи омили - меҳнаткашларни ўз вақтида рағбатлантириб боришдир, - дейди корхона раҳбари Неъмат Исмоилов. - Бунда касаба уюшма қўмитаси билан тузган жамоа шартномаси катта рол ўйнамоқда. Масалан, касабақўм билан келишган ҳолда энг қутлуғ айём - Мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан ишчи-хизматчиларимизга 3 миллион 750 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик.

Дарҳақиқат, меҳр-мурувват, хайр-саховат, рағбатлантиришдан илҳомланиб, янада зўр иштиёқ билан меҳнат қилаётган корхона ишчи-хизматчилари халқимиз дастурхонини тўкин қилиш мақсадида катта ғайрат кўрсатишмоқда.

Марям АҲМЕДОВА.

Меҳнатинг — зийнатинг

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Ҳар бир элнинг ардоқли фарзандлари бор. Шунингдек, ҳар бир жамоанинг ҳам. Бундайлар ўзларининг меҳнати, фазилатлари ҳамда истеъдодлари туфайли суюмлидир. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» маиший-хизмат кўрсатиш уйининг «Аёллар бўлими» сартароши Дилором Йўлдошева ҳам ана шундайлар сирасидан.

30 йилдирки у аёллар сочига жило беради. Гўзал турмаклар қилиб оддий хонимни «санам»га айлантиради. Шунинг учун ҳам унинг мухлислари кўп, У қўли-қўлига тегмайди. Телефон қўнғироқлари тинмайди. Эртанги кун учун навбат олиб қўядиганлар сероб. Бир пайтлар иш бошлаганида отаси бироз ранжиган, «Қўй, бу ишингни, мусиқангдан қолма»,- деганди. Кейинчалик эса қизининг ўз касбидан мамнунлигини, аёллар эъзозини кўриб боши кўкка етди.

Истеъдод соҳиби серқирра бўлади. Дилоромнинг оппоқ нозик бармоқлари жаззи кабутарлардек оҳиста ҳаракат қилганида дилга титроқ солувчи куй таралади. Пианино ёнида кўзларини юмиб ўтирган мусиқачи тебраниб ажиб бир қўшиққа айланади.

Ўттиз йил муқаддам Бешёғочдаги сартарошхона моҳир сартароши Федор Ильичга шогирд тушганида ўз йўлини танлаб бўлган эди. Атиги уч ойда у устозидан ўзди. Оқ фотиҳа олиб мазкур маиший-хизмат уйига ишга келди. Йиллар бесамар ўтмади. Тажриба ва малака орттирди. Пировардида минглаб аёлларнинг севимли сартарошига айланди.Улар Дилоромни «Диля» деб атайдилар. Уларнинг дил сўзлари: Тина Потадзе эса: «Диля жуда маданиятли, зиёли аёл. Унинг майин, ширин сўзларини эшитсам дилим яйрайди. Шунингдек, у ўз ишининг моҳири».— дейди «Асака» банк бош кассири Гулчеҳра Юсупова.

–Япон кино ижодкорлари суратга олган «Ошин» телесериалини кўрганимда беихтиёр Диля опани эсладим. Ошининг соч турмаклари бизнинг Диля опанинг соч турмаклари каби замонавий ва нафис. Маиший хизмат уйининг директори Фарҳод Шомуродов ҳам умрининг кўп йилларини шу идоранинг камолига сарфлади. Кимлар келиб, кимлар кетмади. Аммо Дилором Йўлдошева сингари ҳам малакали, ҳам фидойи ходимлар жамоа фахри эканлигини мамнуният ила таъкидлайди.

Ш. ИСКАНДАРОВА.

Қонун барчага баробар

Истеъмолчиларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлимлари кенг кўламдаги ишларни амалга оширмоқда.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ

кимлар томонидан бузилмоқда?

Лекин шунга қарамай муаммолар баъзи жойларда жуда секинлик билан бартараф этилмоқда. Ҳамон қонун бузилишлар, санитария қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бухоро вилоятида савдо, умумий овқатланиш корхоналари сони 3 745 тани ташкил этади. Ушбу объектларда бултур марказ ходимлари томонидан кўплаб қоидабузарлик аниқланган. Энг ачинарлиси, амалдаги меъёрларга риоя қилмаслик оқибатида 995 та турли савдо нуқталари иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. Санитария қонунларини қўпол равишда бузиб келаётган тармоқларнинг 14 таси бирламчи ҳужжатларини кўриб чиқиш учун тергов органларига тақдим этилди. Қоидабузарларга солинган жарималар жами 10 миллион 348 минг 963 сўмни ташкил этди. Олиб борилган кимёвий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, 1060 таси талабга умуман жавоб бермайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ушбу ҳолатда даромад кўраётган «тадбиркорлар»ни ким деб аташ мумкин?

Биргина мисол. Когон шаҳридаги «Саховат» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси Шариф Ималов назоратни бўшаштириб юборганлиги, санитария қоидаларига амал қилинмаганлиги боис 39 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. Йил давомида фаолият лилик муддати ўтиб кетган, лаборатория кўрсаткичларига тўғри келмаган озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ қилинди. Сифатсиз деб топилган 38015 килограмм қандолат, 3746 килограмм салқин ичимлик, 2529 килограмм ош тузи, 1418 килограмм турли консервалар шулар жумласидандир.

Шу боис, назорат остидаги 21 та деҳқон бозори доимий диққат марказида турибди. Ҳудуддаги якка тартибда савдо фаолияти билан шуғулланувчи 354 нафар шахс ҳам санитария қонунларини бузганликлари учун маъмурий жарима билан сийланди. Айниқса, умумий овқатланиш тармоқларида истеъмолчиларга етарли даражада хизмат кўрсатилмаслиги, савдо маданияти пастлиги сабаб баъзи тармоқларнинг иш фаолиятига чек қўйилди.

Ҳозирда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки сотиш жараёнида сертификат талаб қилинмоқда. Шу боис Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан ўтган йил декабр ойидан шу йил 15 январгача 159 та озиқ-овқат маҳсулотларига сертификатлар берилди. Таажжубки, ушбу жараёнда ҳам 7 та ҳолатда маҳсулотлар яроқсиз деб топилди. Эътибор беринг. «Бухородонмаҳсулотлари» томонидан ишлаб чиқарилган биринчи нав қадоқланган 12500 килограмм ва қадоқланмаган 70000 килограмм ун сертификатлаштириш синовлари натижасида қаттиқлик миқдори паст, ёпишқоқлик меъёри талаб даражасида эмаслиги натижасида яроқсиз деб топилган. Табиий савол туғилади: ким кимни алдаяпти?

«Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига биноан ёқилғи-энергетика ресурсларини ўлчашда, тарқатишда, сақлашда ва сарфлашда қўлланиладиган ўлчов воситалари белгиланган тартибда мажбурий давлат қиёслашидан ўтиши зарур. Давлат қиёслов муддати ўтган ҳолда қўлланилаётган бундай воситалар қонун талабларига зид бўлиб, шу билан бирга истеъмолчилар ҳуқуқларини менсимаслик ҳолатларини юзага келтириб чиқаради.

Давур ТУРОН, «Ишонч» мухбири.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ...

БЕТАКРОР ШАХСИЯТ, САМИМИЙ ШЕЪРИЯТ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз олдимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намоёндаси гавдаланади. Зеро, Бобурнинг жияни, машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: «Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас».

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг Шарқ сўз санъатидаги ўзига хос ва мос ўрнини тайин этишга бел боғлаб, буюк форсий шоирлар билан мусобақага киришган, форсий адабиётда мавжуд деярли барча жанрларда ўзбек тилида дурдона асарлар яратган эди. Бобур эса Навоий томонидан мавқеи юксалтирилган ўзбек шеъриятини халқона заминга қўйиб, уни оддий халққа яқинлаштирди, ўзининг асарлари мисолида адабиётнинг халқчиллиги масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйди.

Албатта, авлодларни ўзбекнинг икки забардаст шоири — Навоий ва Бобур ўртасидаги муносабатлар қизиқтиради. Афсуски, бир-бирига интилган бу буюк инсонларнинг бир-бирига йўллаган мактублари бизгача етиб келмаган. Шуҳрати нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки бутун Шарққа ёйилган Навоий асарларидан Бобурнинг бахраманд бўлиши ва мактуб орқали бўлса-да шеърият мулкининг султони билан алоқа боғлашга интилиши табиий эди. «Бобурнома»да унинг ўзининг буюк салафига икки марта мактуб ёзгани тўғрисида маълумотлар бор: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Ман ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди.»

Бобур-ку Навоий мактубини талотўпларда йўқотиб қўйгандир, лекин Навоий-чи? Ҳар бир сўзини китоб саҳифаларига нақшлабгина қолмай, ҳар бир иши ҳақида ҳам авлодларга ёзиб қолдиришга уринган, ўзи ёзган ва ўзига ёзилган мактубларни тўплаб, «Муншоат» деган тўплам тартиб берган Навоий Бобурнинг мактубини эътиборсиз қолдириши мумкин эмас эди. Бинобарин, ё мактуб жуда кеч етиб бориб, Навоий уни бирор асарида қайд этишга улгурмаган, ё умуман етиб бормаган.

Бобур сиймосида ўша даврда парчаланиб кета бошлаган Темурийлар салтанатини сақлаб қолишга қодир кучни кўришган. Самарқандни олганидан кейин Навоийнинг унга нома йўллашида ана шу умидворлик ҳам бўлиши табиий. Зеро, бу улуғ донишманд Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва бошқа Темурий шаҳзодалар мисолида бу салтанатнинг инқирози муқаррарлигини сезмаслиги мумкин эмас эди.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» тазкирасида ёзишича, Бобур «Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо, тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олмади». Бу ҳақда шоирнинг ўзи алам ва ўкинч билан шундай ёзади:

Неким тақдир бўлса, ул бўлур
таҳқиқ — билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу
риёзат барча беҳуда.

Лекин Бобур шайбонийлар истилоси туфайли Мовароуннаҳрда барҳам топган Темурийлар давлатини Ҳиндистонда янгича шаъну шукуҳ билан давом эттирди.

Бобурнинг адабиёт бўйича илму чуқур, диди юксак эди. Зотан, у ҳаёт талотўпларида ҳам китобни қўлидан қўймаган, вақт топди дегунча ёзув-чизув билан машғул бўлган. Лекин унинг хотираси шунчалик кучли, истеъдоди шунчалик юксак бўлганки, илму ижод билан мунтазам шуғулланмай туриб ҳам улуғ шоир ва олим даражасига кўтарилган.

Навоий асарларини ўқир экансиз, шоирнинг сиздан бир неча поғона баланд, ўзингизнинг эса унинг қошида бир қадар ожиз эканлигингизни ҳамиша ҳис қилиб турасиз. Балки Навоий ўзи билан ўқувчи орасида муайян масофа сақлашни ўйламагандир, лекин унинг юксак даҳоси, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, шоир ва ўқувчи ўртасида у ёки бу даражада масофа келтириб чиқаради. Бобурни эса ўқувчи худди ўзининг яқин ҳамсуҳбати, сирдошидай қабул қилади. Чунки Бобур ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапиради, фазилатлари хусусида ўртоқлашибгина қолмай, қусурларини ҳам мардлик билан очиб ташлайди. Бундай очиқ-ойдин иқрор шоирни ўқувчига яқинлаштиради, уларни ўзаро қадрдон қилиб қўяди.

Бобур шеърларини ичидан нурлантириб турган энг муҳим хусусият, бу – унинг беқиёс даражадаги самимияти. Таъбир жоиз бўлса, замин ўз ўқи атрофида айлангани каби Бобур шеърлари ҳам самимият атрофида айланади.

Бобур ҳаётнинг кўзига тик қарайди, тақдир зарбларидан довдираб қолмайди, ҳар қандай шароитда курашиш учун ўзида куч топади. Кўргуликларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган бу матонатли инсон ҳаёт шафқатсизликлари олдида даҳшатга тушмайди. Қисматнинг шафқатсиз қўли уни туғилган юртидан бадарға қилганида табиатидаги туғма шижоат ва ирода туфайли у бегона юртларда жон сақлаб қолдигина эмас, балки 332 йил ҳукм сурган буюк Бобурийлар салтанатига асос солди. Бундай узоқ муддат ҳукмронлик қилган сулолалар жаҳон тарихида жуда кам, Шарқ халқлари тарихида-ку инчунин. Бобурнинг бетакрор шахсият сифатида бутун дунё аҳлини қизиқтириб келаётгани шундан. «Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига яраши тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намоёндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатларидан таркиб топган, – деб ёзади машҳур инглиз муаррихи ва мутаржими Уильям Эрскин. — Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва саргузаштлар борасида эса авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай олмади».

Бобур ўз асарларининг мавзуини асосан ҳаётдан олди. Шоир асарларини ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан. Улуғ салафларига эргашиб ёзган баъзи бир анъанавий шеърларини ҳисобга олмаганда, у асосан ўзи кўрган-билган, қалбидан ўтказган, тўлқинлантирган нарсалар, кечинмалар ҳақида ёзади. Юрагини дастурхон каби ўқувчи олдига ёзади: ҳеч нарсани яширмай, кўнглида борини тўкади.

Навоий сўз санъатининг баркамол дурдоналарини аввал ўзи яратиб қўйиб, кейин бошқалардан талаб қилгани каби Бобур ҳам дастлаб ўзини элакка солиб элайди: барча қусурлари ва заифликларини мардона очиб ташлайди ва бошқаларни ҳам хато-камчиликлари учун аяб ўтирмайди. Лекин у кўпроқ ўзини мазаммат қилади, ўзини ёзғиради. Зеро, мард одам аввал ўзидан бошлайди. Шунинг учун ҳам Хайриддин Султон: «Бобур – инсонлар ичида энг ростгўйидир», деб лутф этган эди.

Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилинганлигидир. У бир умр одамлар орасида яшади, қизғин фаолият билан банд бўлди. Албатта, унда умри илму ижод қолиб, тожу тахт ташвишида ўтаётганидан шикоят қилиш, ўз фаолиятидан қониқмаслик туйғулари, мағлубият онларидаги тушкунлик мотивлари ҳам учрайди, лекин, бир бутун олганда, Бобур шеърияти некбин ва курашчан шеъриятдир.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.



Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Ғазаллар

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

* * *

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ бахтимни уйғатсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Гаҳи гулдек ё юзни ул шакар сўзлукнинг исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.

Ёруқ кундуз, қоронғу кечада анжум киби бўлғай,
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутратсам.

Кўзум равшанлиғида бўлғай, эй Бобур, басе камлиғ,
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

Рубоийлар

Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек,
Балким юзунг олида эрур гул қулдек.
Бобур киби ишқдан дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

* * *

Йиллар тилаб ишни қаю сахлаб турдим.
Юз жаҳд била ишни мунга еткурдум.
Мардона бўл, эмди яхшидур иш келиши,
Тенгрига сени, элни сенга топшурдум.

БЕБАҲО МЕРОС

Бобур – нозиктаъб шоир, истеъдодли мусиқашунос, иқтидорли олим ва буюк саркарда. Зотан, ўн беш ёшидаёқ ҳазрат Навоийнинг эътиборига тушиши Заҳириддин Муҳаммаднинг доно ва қудратли шоҳ бўлишига Мир Алишер томонидан билдирилган катта ишонч эди.

Бобур умрининг охирига қадар ҳаётини кураш-талашлар, саргардонлик, салтанат ташвишида ўтказди. Ҳатто, бир ўринда, у ўн икки ёшидан буён рамазон ийдини бир жойда пайдар-пай икки марта ўтказа олмаганлигини айтади. Ана шундай беқарор умри давомида Бобур улкан адабий мерос қолдиришга улгурди.

Бошқа мумтоз адабиёт намояндаларидан фарқли равишда Бобур шеъриятида автобиографик характер устиворлик қилади. Одатда, Ватан соғинчи, айрилиқ изтироблари, юртга қайтиш орзуси акс этган шеърларида шоир шахси, ички дунёси яққол намоён бўлади.

Самарқанд ва Андижон қўлдан кетгач, у бир муддат Хўжандда туради. Тахтни эгаллаш учун бўлган сўнгги уринишлар ҳам бекор кетади. Бобур икки юздан ортиқроқ аскарлари билан қайтаётиб ёзади: «Хўжанд – бир мухтасар ердур. Бир бегнинг овқати анда ташвиш била ўтар. Бир ярим йил, икки йилга ёвуқ аҳли ва аёл била анда эдук. Ул мусулмонлар ҳам бу муддатта имкони борича харж тортмоқта ва хизмат қилмоқта тақсир қилмадилар. Яна не юз била Хўжанд борилғай, Хўжандқа бориб ҳам киши не қилғай?»

Бормоққа не маскан муяссар
Турмоққа не давлат муқаррар,

– дейди изтироб билан Бобур Ўратепанинг жанубий яйловларига кетишга мажбур бўлар экан.

Бобурнинг саркарда ва давлат ҳукмдори сифатида энг юксак фазилати матонат ва иродалилигидир. Тож-тахт ва салтанат суронлари уни «Ҳинд сори юзланиш»га мажбур қилди. «Бобурнома»да «Бу тарихқача уч киши Ҳиндустон вилоятиға мусаллам (эга) бўлуб салтанат қилибтурлар. Бир Султон Маҳмуд Ғозий (Ғазнавий)... Иккинчи Султон Шиҳобиддин Ғурий... Учинчи мендурмен, вале менинг ишим ул подшоҳларнинг ишига ўхшамас», – дейди Бобур. Ҳақиқатдан ҳам Бобур ўз давлати тасарруфини кенгайтириш, бойлик орттириш мақсадида Ҳиндистонни олмади. Аксинча, Ҳиндистонни обод қилиш, ривожлантириш учун бор кучини сарфлади. Бироқ Бобур Ҳиндистонга бегона эди. Уни бир умр Ватан соғинчи тарк этмади.

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар сув,

– дейди Андижондан қовун олиб борганларида. Бобур улкан империяга асос солди, аммо бир қаландар либосида бўлса ҳам юртга қайтиш умиди билан яшади.

Шоир шеърларида кўпинча ижтимоий масалалар акс этган. Ватан соғинчи, юртга қайтиш орзуси ҳар бир мисрада бўй кўрсатади. Бир форсий рубоийсида у шундай ёзади:

Дарвешонро агар на аз хишонем,
Лек аз дилу жон муътахиди эшонем.
Дур аст, магу, шоҳи аз дарвеши
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.

(Яъни, дарвешларга яқин қариндошлигимиз йўғ-у, дилимизда эҳтиром ва эътиборимиз бор. Шоҳу дарвеш бир-биридан узоқ дема! Шоҳлик, вале бир бандаи саргардон дарвешликдир.)

Ўрни келганда айтиш жоиз: Бобурнинг бундай шеърларини тасаввуфий мазмунда таҳлил этиш у қадар тўғри эмас. Тўғри, Бобурда шундай мазмунда шеърлар ҳам учрайди. Аммо улар саноқли. Бобурнинг шеърларида кўпроқ шарҳу ҳол, ижтимоий-сиёсий муаммолар, умуминсоний ғоялар, соф инсоний севги-садоқат куйланади.

Бобур Навоийдан кейин ўзбек адабиёти тарихида энг сермаҳсул ва иқтидорли ижодкор. У фан ва бадиий ижоднинг ҳар бир соҳасига қизиқди, ўрганди, тадқиқ этди. Энг асосийси, Бобур ижоди, хусусан, шеърияти Ватанни севишга, қадрлашга ўргата олади.

Дилором ҲАМРОЕВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими.



«Бобур» видеофильми ўзбек кино санъатида ўзига хос воқеа бўлди. Айни кунда у хорижий мамлакатларда ҳам катта шуҳрат қозонмоқда. Бунда Бобур ролининг ижрочиси, беназир истеъдод соҳиби, ажойиб санъаткор Муҳаммадали Абдуқундузовнинг хизматлари алоҳида. У шоҳ ва шоир образини яратар экан, аввало, Бобурнинг дилбар, айни пайтда исёнкор қалбига тийран боқди, унинг ички дунёсини идрок этди, туйғуларини ўзида мужассам эта олди. Шу боис унинг талқинидаги шоир сиймоси томошабинни ҳаяжонга солади, ўйлатади.

«ДАВРОН ҒАМИН БАРБОТ ҚИЛ...»

Шарқнинг бир улуғ донишмандидан: «Бу не ҳол эрурки эскиларнинг сўзлари бизнинг сўзларимизга қараганда кўнгилларга кўп карра зиёдроқ фойда етказмақдадур?» - деб сўрашганда, у жавоб қайтариб шундай деган экан: «Эскилар дину имоннинг иззати, нафснинг нажоти ва Ҳақнинг ризоси учун сўз айтмишлар. Биз эса нафснинг иззати, мол-дунё орзуси ва халқнинг эътибори учун гапирурмиз... Бу хил сўзлардан эл-юртга ҳеч қандай фойда йўқдур».

Шу фикрни мен тез-тез эслайман ва ҳар гал нафснинг мақсадига мувофиқ айтилган ҳар қандай чиройли сўз, ҳар қандай ақлли фикр кўнгил «эшиги»дан ичкари кира олмаслигига ишонаман. Зеро, боболаримиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, сўзлагувчининг сўзи эмас, ҳоли, тилдаги гаплари эмас, дил тубидаги холис иқрори муҳимдир.

Сўз ва маънонинг ҳам «Қон группаси» бўлади. Донишманд кишилар шуни билишади. Шунга қараб сўзни сўздан, фикрни фикрдан, даъвони маънодан ажратишади. Шунга асосланиб ўзларига сўзнинг тақдири, фикр ва туйғунинг таъсир қуввати ҳамда аҳамиятига баҳо беришади. Шу жиҳатдан ҳам мумтоз шоирларимизнинг ҳақиқий шеърхон олдидаги масъулияти юқори бўлган. Биринчидан, улар нафсу ҳаводан тозиланган, тамаъ аралашган, мавқе, эътибор шавқи билан айтилган ҳар қандай сўзни риёкорлик деб билишган. Иккинчидан покланмаган сўз, ҳақиқат ва тўғрилик мақомига кўтарилмаган фикр ўқувчига ҳам, адабиётга ҳам фақат зиён етказишига қатъиян ишонишган. Диний тарбиянинг қайта изга тушиши туфайлими, тасаввуф маърифати таъсиридами ёки эркин фикр муҳитининг юзага келганлигиданми адабиёт аҳли онгида яхши бир ўзгариш ва силжиш кузатилмоқда. Яъни нафсоний ва шайтоний майиллардан яратилган, ёлғон, ғирт сохта нуқтаи назарларни акс эттирувчи бадиий ижод намуналари сезиларли даражада камайиб бораётир. Айтайлик, бундан тўрт-беш йил муқаддам Мирзо Бобурнинг:

Руҳум яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Руҳимни чу тан эвига келтирдинг пок,
Мундин бори элитма касофат бирла,

— деган сўзларини ўқиган ёш бир ижодкор улуғ шоирнинг мақсад-муддаосини чуқурроқ мушоҳада қилишга унча уринмаган бўлиши мумкин. Лекин айни шу сўзлар унинг кўнглига бугун ўзгача бир таъсир ўтказиши табиийдир. Чунки у ўзининг мавжудлик сирларини аввало руҳ ва руҳониятдан ахтараётир. Ҳақиқий гўзаллик-қалб ва руҳият гўзаллиги эканлигини у энди яхши билади ва Бобур айтган:

Нафснинг касбидур ҳавоу ҳавас,
Руҳ олидадур булар ярамас.
Нафс душмандурур яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил,
Душманедур агарчи ўтру эмас,
Лек бир лаҳза сендин айру эмас, -

— ушбу фикрларни тўла ишонч билан таҳлилу талқин қилишга интилади. Менимча, шеърбозлик, қиёфасизлик, руҳоний кучсизлик фикрий маҳдудлик офатларига барҳам берадиган энг буюк ижод мактабларидан бири - бу Бобур шеърияти эрур.

Бобурнинг шеърларида тасвирланган ҳол ва туйғуларни қанчалик чуқурроқ ўргансангиз, дилингиз ўшанча тозаланиб куч топади ва кенглик кайфиятларига тўлади. Бобур шахсиятига нечоғлик яқинлаша олсангиз, манманлик, калондимоғлик, каззоблик ва носамимийликдан шу қадар безасиз. Улуғ Бобурнинг шахсияти оқил, одил инсон ва инсонийлик учун зарур бўлган асосий фазилатларни аниқ белгилаб беради. Унинг кўнгил оҳанглари каби овози ҳам оддий ва жуда-жуда инсоний - ҳеч пайт шоҳнинг, ҳукмдорнинг дағдағасини эшитмайсиз. Аксинча, ундан кўпинча ва кўп ҳолларда насиҳат садолари таралади:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма.

Шу гапни Бобур бошқачароқ оҳангда ҳам изҳор айлаши мумкин эди-ку! Аммо ўша оҳанг Бобурнингмас - ўртача бир савиядаги тахтпарастнинг овоз оҳанги бўлурди. Бу беш кунлик дунё тожу тахт соҳиби бўлганда ҳам на одамлардан узоқлашишга, на ўзни баланд кўтаришга арзимаслигини мукаммал англай олганди. Унингча, дунёдаги энг боқий ҳақиқат умрни ғанимат билиш, инсоннинг инсонга маънан ва руҳан яқинлиги эди. Бобурнинг хуш кўрган сўзларидан бири «Аҳбоб»дир. У бу сўзни хусусан, рубоийларида тез-тез тилга олади. «Аҳбоб унутилмаса керак аҳди қадим», дея умидларга берилади. Бир рубоийсида эса чин фароғат, маънавий давлат, илоҳий раҳмат мазмунини ҳам айнан шу калима билан боғлиқликда ифодалайди:

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз,
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун
Бир-бирини неча куни ғанимат тутингиз.

Бобур табиатан кўлами кенг, мард ва шижоатли шахс бўлган - номардлик, қўрқоқлик, писмиқликка умуман тоқат қилолмаган. Бобур донишманд, чин маъноси билан маърифатли сиёсий арбоб эди. Шу боис у ақлга макрни, адолатга жаҳл ва зўравонликни, элу улус ишончига ёлғону алдовни яқинлаштирмаган. Эҳтимолки, шунинг учун ҳам Бобурда давлат юкининг оғирликларидан нолиш ёки эзилишни пайқамайсиз. Унинг дунё ва аҳли дунёдан шикоятларида ҳам руҳоний собирлик, далдакорлик мавжуд.

Бобурнинг мана бу рубоийси кўпчиликка яхши таниш:

Бу олам аро ажаб оламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Дарҳақиқат, «Бобурнома»ни ўқиган ҳар бир китобхон биладики, Бобурнинг ҳаёти, тожу тахт йўлидаги кураш жараёни унинг ўзи таъкидлаганидан кўра ҳам қийин ва қалтис кечган. Лекин ҳар қандай қийинчиликлар ичида, ҳар қанақа қалтис ва таҳликали вазиятларда ҳам Бобурнинг ичида, яъни ботинида шаклланган маънавий-руҳоний «мен»ида кучсизланиш, толиқиш, дўлдек ёғилиб турган кулфат ва ранжу азоблардан ўзни четга тортиш майлларининг кўзга ташланмаслиги ақл бовар айлаши қийин бўлган ҳодисалардандир. У бир шеърида «Нақди умрим, оҳким, ўтти ғаму мотам била», деса, яна бирида «Ғаму дарду алам била тўлдум», дейди. Бундай ҳолатда иродаси темир одамнинг ҳам бели букилади. Ғам кетидан дард, дард ортидан алам ва мотам ёпирилганда, камдан-кам одам ўзини тушкунлик, ноумидлик, мискинликдан муҳофаза эта олади. Бобурда буларнинг тескариси: у «Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин» осуда бўлиш аҳволига етганда ҳам барибир ҳаёт завқи ва тириклик шукуҳига содиқ қолади:

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёий фарсуда.

Шоирнинг бир қанча ўринлардаги эътирофига кўра «бир дам»лик ғамга арзимайдиган дунёнинг мазмун-моҳияти ҳам «бир дам»да очилади. Ҳақ гап шу дамга соҳиб бўлиш ва уни хуш ўтказа билишда:

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобур,
Не учунким келур дамга бўла олмас киши зомин.

Баҳор ва ёшлик ана ўша фурсатларнинг энг гўзали, энг завқлисидир:

Баҳор айёмидур даги йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

«Гар иликдин келса бир дамни кечурманг ғам била», - дейди шоир. Ва даврон ғамини четга суриб ташлашнинг синалган чораси ўлароқ кишиларни шеърга, мусиқага чорлайди:

Даврон ғамин барбот қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, Бобур ҳеч пайт қуруқ зуҳд, зоҳирий тақводорликка ён бермаган шоирларимиздандир.

У бир ғазалида:

Зуҳд кетди эса, карам қилди,
Ишқ келдию муҳтарам қилди,

— дейдики, бундан шоир танлаган йўл - ишқ ва ошиқлик йўли эканлиги осон англашилади.

Мирзо Бобурнинг илмий-адабий мероси миллатимизнинг бебаҳо хазинаси. Бобур халқимизнинг ижодкорлик, ҳукмдорлик закосини жаҳонга танитган ёрқин шахслардан бири. Дунёда кучли одамлар кўп бўлган. Бироқ уларнинг барчаси ҳам Вақт, Давр синовларига охиригача бардош бера олишмаган, албатта. Ана шунда эътиқод парчаланган, маслак бузилган, Ўзлик бой берилган.

Ўзлигидан ажралган инсон борки, ўзининг бир вақтлардаги қиёфа яхлитлигини ахтаради. Аммо қанча куйиб-ёниб изламасин, армонга айланган ўша Ўзликни бошқа ҳеч вақт топа олмайди. Худди шу кемтиклик ёки бўшлиқдан хаёлга келмас майда-кашлик, ҳаттоки, хиёнатлар бош кўтаради. Бобурнинг ижодиёти, беназир шоир ва шоҳ Бобурнинг тажрибаю сабоқлари бизу сизни кўзга кўринмас ана шу бахтсизликдан омон қолишга яқиндан ёрдам беради. Бу эса энг муҳимидир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари доктори.

Болалар спорти

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани водийнинг чекка ҳудудларидан бири саналади. У Қирғизистоннинг Боткент ва Тожикистоннинг Исфара туманлари билан чегарадош. Туманда 170 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 42,5 минг нафарини мактаб ўқувчилари ташкил этади.

ҲАВАС ВА ИНТИЛИШ

уйғотайлик

Туман спортчилари вилоятда энг етакчи ҳисобланадилар. Улардан Шерзод Хушвақтов, Умид Камолов, Фарҳод Олимов, Улуғбек Мамадалиев, Жаҳонгир Толибжонов, Иқбол Мамажонов, Муҳитдин Мунисхонов кабиларнинг номи бутун республикада маълум. Айниқса, ёш шоҳмотчи қиз Нилуфар Мўминованинг Греция ва Хитойда ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этиши кўпчиликни хушнуд этди. «Умид ниҳоллари – 2002» республика мусобақаларида туман вакиллари волейбол ва белбоғли кураш бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

– Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди, - дейди туман спорт қўмитаси раиси Абдувоҳид Юнусов. — Туман ҳокимлиги билан дарҳол амалий ишга ўтдик. Ҳоким қарори билан «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси тузилиб, банкда ҳисоб рақами очилди. Айни кунларда умумтаълим мактаблари спорт базаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш юзасидан ҳомийлик ҳаракатини жонлантириш, секция ва тўгаракларга кўпроқ ўқувчиларни жалб этиш, бу борада мактаб-маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда. Мисол тариқасида, мактабларнинг таъмирга муҳтож бўлган спорт залларини таъмирлаш, жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида хўжалик, ташкилот ва корхоналар бириктирилди. Шунингдек, болалар ўртасида мусобақалар ўтказишга ҳам катта эътибор беряпмиз.

Дарҳақиқат, туманда тез-тез турли спорт тадбирлари уюштирилиб келинмоқда. Яқиндагина «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб ўтказилган миллий спорт турлари – белбоғли кураш, турон якка кураши, арқон тортиш, тош кўтариш, ўзбек кураши бўйича мусобақалар асосан болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт оммавийлигини оширишга хизмат қилди, дейиш мумкин. Яна бир тадбир Садриддин Айний номли мактабда бўлиб ўтди. Бокс бўйича туман очиқ биринчилигида бокс тўгараклари қатнашувчилари куч синашдилар. Бу мусобақа мактаб, маҳалла ва туман ИИБ ҳомийлигида бўлиб ўтди. Дарвоқе, туман Ички ишлар бўлими спорт тадбирлари ўтказишда ташаббускор, ташкилотчиларга яқин кўмакдош бўлиб келмоқда.

– Мусобақалар ташкил этишга бош қўшишимиздан асосий мақсад – ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, қоларверса, уларнинг турли ақидапараст оқимларга кириб қолмасликларини таъминлашдир, — дейди туман ИИБ бошлиғи Халил Ҳазраткулов биз билан суҳбатда. – Болалар спортини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар Фармон шарофати билан энди барҳам топса, ажабмас. Биз бу ишларда қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Туманда 314 тўгаракда 13565 нафар болалар ва ўсмирлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Биз туман «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасида бўлиб, бўлғуси режалар билан қизиқдик. Маълум бўлишича, махсус комиссия томонидан қуриладиган спорт иншоотлари жойлари ўрганилиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этилибди. Унга кўра, Ўқчи, Элаш, Сочтепа, Яккатут, Қирккетмон қишлоқларида спорт иншоотлари қурилиши тавсия этилган. «Лекин бу ишлар қоғозда экан-да», дея билдирган эътирозимизга спорт қўмитаси раиси бизни кейинги кун бўладиган мусобақага, шунингдек, туман БЎСМ фаолияти билан танишишга таклиф этди.

БЎСМ директори таътилда бўлиб, унинг ўринбосари Мадамин Нишонов «гапнинг дангалини гапирадиганлар» хилидан экан.

– Спорт мактабимиз 1972 йилдан буён фаолият юритади. Волейбол, енгил атлетика, кураш бўйича 18 нафар мураббий қўл остида 102 нафар бола шуғулланяпти. Лекин ҳали биз янги тузилган жамғармадан ёрдам олганимиз йўқ. Бизга биринчи навбатда моддий ёрдам зарур. Тўғрисини айтиш керак, ўтган йили бор-йўғи 150 минг сўмлик моддий ёрдам олдик. Бу пул бор-йўғи 7 та волейбол тўпи сотиб олишга етди, холос. Мусобақаларга боришга эса маблағ етишмайди.

Мадамин аканинг куюниб айтганлари «ҳолва» экан. Туманда 22-мактаб ўқувчилари «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичига отаоналар йиғиб берган пуллар эвазига бориб келишибди.

Кейинги кун мусобақага борганимизда спорт залидаги кураш матларининг аҳволи жуда хароб эканлигига амин бўлдик. Кейин билсак, ўнқир-чўнқир йўлни эслатувчи бу матлар аслида турли мактаблардан келтирилган экан. Мусобақа давомида икки нафар ёш спортчи болакайлар яроқсиз матларда кураш тушиб жароҳат олганига гувоҳ бўлдик. Буни кўриб, «Наҳотки, кураш тушиш учун татами йўқ бўлса», деган сўзларимизга мусобақа ҳакамларидан бири «Нима деяпсиз, татами, ҳатто вилоятда ҳам йўқ ҳисоби-ку!» дея эътироз билдирди. Дарҳақиқат, маълум бўлишича, вилоятга битта янги татами берилган экан. У ҳам вилоят спорт қўмитаси раиси Комил Мирзабоев ихтиёрида бўлиб, ҳали вилоят миқёсидаги бирор бир мусобақада ишлатилмабди. Туман ҳокими ўринбосари Шариф Пўлатов бу ҳолни қуйидагича изоҳлади: «Яқинда туман пахта заводи қошидаги тикув цехида кураш матлари тикишни йўлга қўямиз»...

Дарвоқе, турнир хусусида. Миллий кураш бўйича ўтган баҳс жуда қизиқарли кечди. Унда Фарғона, Қўқон, Ҳамза ва Яйпан шаҳарлари, Учкўприк, Боғдод, Олтиариқ туманларидаги БЎСМ тарбияланувчилари қатнашди. Мусобақа ўнлаб иқтидорли ёш курашчилар камол топаётганлигидан дарак берди. Айниқса, 7 ёшли полвон Жасурбек Мусажонов жуда яхши кураш тушди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, туманда спорт ишлари қониқарли аҳволда. Бироқ спорт жиҳозлари, маблағ етишмаслиги муаммолари мавжуд. Туман ҳокимлиги ва спорт қўмитасидагилар яқин кунларда бу муаммоларни бартараф этишга ваъда бердилар.

Абдулҳай МАМАЖОН ўғли,
«Ишонч» мухбири.

Когон шаҳрининг Абдулла Набиев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Локоматив депоси хайрли ташаббус билан чиқди. Те-

МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ СТАДИОНИ БЎЛАДИ

мирйўлчилар маҳалла болалари учун барча талабларга жавоб берадиган стадион қуриб беришни ўз зиммасига олди. Ҳозир бўлажак стадионнинг жойи аниқланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Бугун-эрта қурувчилар ишга тушади.

Темирйўлчилар ташаббуси Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги даъватига амалий жавоб бўлди. Чунки маҳалла ҳудудида икки минг нафардан зиёд бола истиқомат қилади.

- Маҳалламиз ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда,- дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммад Шаропов. - Юзага келаётган муаммоларни бамаслаҳат ҳал этяпмиз. Янги стадион қурилишининг бошланиши ана шундай ҳамкорлик натижасидир.

Қурувчиларнинг гапига қараганда, маҳалла болалари келаётган Наврўз байрами арафасидаёқ янги стадионда дастлабки мусобақаларни ўтказади.

ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

Фарғона шаҳрида 1985-1986 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари якунланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафар чарм қўлқоп устаси ўн икки вазн тоифасида рингга чиқди.

Бир ҳафта давом этган беллашувлар ғоят қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлди. Мусобақада, айниқса, Фарғона вилояти ёш боксчилари тенгқурларидан ажралиб турди. Чемпионатнинг финал босқичида рақибларидан устун келган олти нафар фарғоналик спортчи ўз вазни тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти боксчилари ўтказган «жанглар» ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

(ЎзА).

ҚУЙИ ТАРМОҚ УЧУН МУТАХАССИСЛАР

Республикамиз қишлоқ ва сув хўжалигини тармоқларини қуйи тармоқ мутахассис кадрлари билан таъминлашда Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш, сув иншоотлари қурилишни жадаллаштириш билан шуғулланаётган мутахассисларни тайёрлаш борасидаги бу янги турдаги ўқув юртининг ўқув моддий негизи анча яхшиланмоқда.

Гидромелиоратив машиналар ва жиҳозларни ишлатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъминлаш билан шуғулланаётган малакали ёш кадрлар билан асосий машғулотлар олиб боришга ҳам эътибор кучайди. Эндиликда билим даргоҳида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишларида ҳам малакали билим ва тажриба ҳосил қилинмоқда.

Бундан ташқари ўқувчи ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш тадбирлари кўрилди. Бунинг учун коллежнинг фан кабинетлари техника ахбороти машғулотлари йўлга қўйилди.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

«Маданият социологияси» факултети кафедраларининг халқаро илмий алоқалари кенгайиб бормоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти, Фридрих Эберт ва Конрад Аденауер жамғармалари дастурлари доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам буни кўрсатиб турибди.

«Социология» кафедрасининг бир гуруҳ олимлари Париж ва Бангкок шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий конференцияларда иштирок этиб, ўз чиқишлари билан кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Шуниси диққатга сазоворки, бу маърузаларнинг қисқача баёни ана шу анжуманлар илмий тўпламларига киритилди.

Айни вақтда уларни ЮНЕСКО ташкилоти журналларида ҳам чоп этиш кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ.

Газетхон илтимосига кўра

КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИДА

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг бурчидир. Бироқ, ҳамма жойда ҳам «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари тўлиқ бажариляпти, деб бўлмайди. Бунинг оқибатида ишчи-хизматчилар касб касаллигига чалиниб колмоқда.

Хўш, касб касаллиги нима, уни қаерда ва қандай даволаш мумкин?

Республикада ягона ҳисобланган касб касалликларини даволаш клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Норбой ТОЖИЕВ билан мулокотимиз ана шу хусусда бўлди.

– Инсон нормал меҳнат қилиши учун аввало корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш қонун талаблари тўлиқ яратилган бўлиши керак, - деди ҳамсуҳбатимиз. – Негаки соғлиқ ҳамма нарсадан устун. Давлатимиз томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга биринчи галдаги вазифа деб қараб иш шароитларини яхшилашга каттагина маблағ ажратилаётир. Лекин, ҳозирги вақтда саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаётганларга тўлиқ иш шароити яратилмаётгани боис салбий ҳолатлар юзага келяпти. Чунончи, чанг, шовқин, вибрация, заҳарли кимёвий моддалар таъсирини бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Бундай нохуш ҳолларда ишчи ўзи сезмаган ҳолда касб касаллигига чалиниб қолиши мумкин. Шу боис жойлардаги касаба уюшма қўмитаси вакиллари ходимлар учун тўлиқ ва қулай иш шароитлари яратиб беришлари лозим.

– Касб касаллиги билан оғриган беморлар дастлаб қаерга мурожаат қилишлари мумкин?

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институтида академик Тўлқин Искандаров раҳбарлигида катта ишлар амалга ошириляпти. Клиникамиз республикада ягона бўлиб, пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Циальковский кўчаси, 325 уйда жойлашган. Асосий мақсад – касбга оид касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, даволаш, ишчи саломатлигини тиклашдан иборат.

Ҳар бир фуқаро иш жараёнида соғлигини қисман йўқотганлигини сезса ва шифокор томонидан тасдиғини топса, йўлланма асосида клиникамизга мурожаат қилиши мумкин. Бунинг учун ходим йўлланмадан ташқари меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан санитария-гигиена тавсифномаси, ўзи яшаб турган жойдаги шифохонадан амбулатория картаси билан бирга шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келиши даркор.

Беморлар малакали шифокорлар назоратида кўрикдан ўтишади. Айтиш жоизки, неврология, терапия, диспансер бўлимларида ўз соҳасининг фидойилари, профессор ва фан номзодлари фаолият кўрсатадилар.

Кузатув жараёнида ходимнинг меҳнат шароитлари ўрганилади. Нохуш омиллар бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади. Шунингдек, корхоналарда вақти-вақти билан профилактик тиббий кўриклар ўтказиш амалга оширилади.

- Клиника билан корхоналар ўртасидаги алоқалар хусусида нима дея оласиз?

- Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинаётир. Умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларини ташҳис қилиш, даволаш ва профилактикадан ўтказишнинг янги усуллари ишлаб чиқилаётир.

Жамоамиз вакиллари вақти-вақти билан вилоятлардаги йирик саноат корхоналарида касб касалликлари кафедраси билан биргаликда семинарлар, учрашувлар ўтказиб турадилар. Шунингдек, клиникамизда 1 - Тошкент Давлат тиббиёт институтининг касб касалликлари кафедраси жойлашган. Кафедра мудири, тиббиёт фанлари номзоди Шарифа Маҳмудова билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритаётганимиз ижобий самаралар бермоқда.

Санитария-гигиена ва касб касалликлари клиникаси 100 ўринлик бўлиб, 3 та бўлимдан иборат. Клиникага республикамизнинг барча вилоятларидан беморлар келиб даволанишади. Айни пайтда клиникада 7497 нафар бемор ҳисобда турган бўлса, ўтган 2002 йилда 220 нафардан ортиқ бемор биринчи марта касб касаллигига чалинганлиги аниқланди. Бир йилда ўрта ҳисобда 34 мингдан ортиқ киши диспансер кўригидан ўтади. Диспансер бўлимида клиника ва биохимия лабораторияси, нейрофизиология лабораториялари мавжуд. Бу лабораторияларда замонавий усулларда текширувлар ўтказилади.

Клиникада 144 нафар ходим бўлиб, 25 нафари врач, 47 нафарини ўрта тиббиёт ходимлари ташкил этади.

Беморлар даволангандан сўнг ўзларини тетик ва бардам ҳис қилаётганликлари, касб касаллигига оид суҳбатлардан тегишли хулоса чиқариб олаётганликларини эътироф этган ҳолда, айрим камчиликлар борлигини ҳам таъкидламоқдалар.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги «Ингичка» кон бошқармаси ишчиси Одил Асадов муолажалардан хурсанд. Бироқ, у ишлаётган корхона раҳбарияти етказилган товон пулини тўлашни асоссиз равишда кечиктираётганлиги ачинарли ҳолдир.

Бухоро вилояти Қорақўл туманининг Қувоча қишлоғида яшовчи Қувондиқ Исломов ҳам клиникамизнинг доимий мижози. Тумандаги нефт маҳсулотлари корхонаси ишчиси ишлаб чиқаришда зарарланганлиги учун корхона томонидан товон пули тўланмаётир. Ваҳоланки, мазкур корхона ва ташкилотлар раҳбарияти, касаба уюшма қўмиталари вакиллари ўз ишчилари тақдирига бефарқ бўлмай, уларга зарур ёрдамларини ўз вақтида кўрсатишлари шарт.

«Шўртан» газ унитар корхонаси ишчиси Зокир Ёқубов, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги автогараж ишчиси Фиёс Қурбонов, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ихтисослашган автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бош механиги Нуржон Қорабоевлар ҳам клиникада даволанганларидан сўнг ўзларини тетик ва бардам ҳис қилаётганликларини эътироф этишди.

Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Шундай экан, ҳар бир киши соғлиги тўғрисида қайғуриши лозим. Бунинг учун жойлардаги корхона ва ташкилот, муассаса раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ўз ходимлари учун қулай иш шароитлари яратиб беришлари керак. Ишчи-хизматчи ҳақида қанчалик ғамхўрлик қилинса, ишлаб чиқариш самарадорлиги яхшиланиб, халқ фаровонлиги ошаверади.

Суҳбатдош: НУРБЕК.
Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

«ОЛОЙ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2002 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги акциядорларнинг умумий мажлиси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар залида 2003 йил 15 март соат 11.00 да бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Кун тартиби:

1. «Олой универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тўғрисида.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

6. Жамиятнинг 2003 йилги мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

8. Жамият Кузатув Кенгаши тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

9. Жамият Тафтиш комиссияси тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

10. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш тўғрисида.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2003 йил 13 феврал ҳолатига биноан тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 72-уй.

Теннис

ЖУФТЛИКДА ҒОЛИБ, ЯККАЛИКДА ИККИНЧИ

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб ўтган «Indian open» турнирида моҳир теннисчимиз Ирода Тўлаганова барча рақибларини мағлуб этиб, финалда Таиланд вакиласи Тамарин Танасугаринга қарши кортга чиқди. Кескин курашлар остида ўтган беллашувда,сўнгги паллада Ирода имкониятни бой бериб қўйди. Жуфтлик баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб шериги россиялик Елена Лиховцева билан финалда белоруссиялик Татяна Пучик ҳамда россиялик Евгения Куликовская жуфтлиги устидан 6:4 6:4 ҳисобида ғалаба билан мусобақани якунлаган эди.

Куни кеча Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида мукофот жамғармаси 175 минг АҚШ долларини ташкил этган турнирда Ирода илк учрашувда рақиби Сара Зангинеттини 6:3 7:4 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақаларнинг кейинги босқичига чиқди. Ўйлаймизки, «Ўзбек теннисининг маликаси» ўз номига муносиб ўйин кўрсатиб мухлисларини хушнуд этади.

А.ЮНУСОВ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21017 Буюртма Г— 118. 1 2 3 4 5 6